

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ БАНК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Болтаев Тўлқин

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон банк тизими ва унда банк ички назоратининг роли, шунингдек Ўзбекистон Марказий банки талаблари, Базель Қўмитаси ва СОСО стандартлари асосида ички назорат тизимини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий тақлифлар ишлаб чиқиш масалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: банк тизими, банк ички назорати, Базель қўмитаси, Базель қўмитаси стандартлари, СОСО стандартлари.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается банковская система Узбекистана и роль в ней внутреннего контроля банков, а также вопросы разработки нормативно-правовых предложений по развитию системы внутреннего контроля на основе требований Центрального банка Узбекистана и стандартов Базельского комитета и СОСО.

Ключевые слова: банковская система, внутренний контроль банков, Базельский комитет, стандарты Базельского комитета, стандарты CISA.

ABSTRACT

This article examines the banking system of Uzbekistan and the role of internal control within banks, as well as the development of regulatory proposals for the development of an internal control system based on the requirements of the Central Bank of Uzbekistan and the standards of the Basel Committee and COCO.

Keywords: banking system, internal control within banks, Basel Committee, Basel Committee standards, COCO standards.

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётида банк тизимининг ўрни муҳим ҳисобланади. Хусусан, банк тизими вақтинча бўш турган маблағларни аҳолидан ва корхоналардан жалб қилиш ҳамда уларни рискга асосланиб кредит ва инвестиция сифатида жойлаштириш орқали иқтисодий жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлайди. Банклар ўз фаолиятини самарали олиб бориши ҳамда банк барқарорлигини таъминлашда банк назоратини ҳам юқори даражада олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, Ўзбекистон банк тизимида банк назоратини тубдан қайта кўриб чиқиш, унинг халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш, ички назорат ролини ошириш муҳим йўналиш ҳисобланади. Бундан ташқари, ички назорат тизимини тижорат банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролига тўғри баҳо бериш муҳим ҳисобланади.

Банк назоратининг етарлилиги ва самарадорлиги банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва банкларга бўлган ишончни асосий омилдир. Фақатгина кучли банк назоратигина иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланмиш банк тизимини барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3720-сонли Қарорида тижорат банклари фаолиятига умум эътироф этилган замонавий нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банк-молия тизими кўрсаткичларини халқаро рейтинг баҳолаш ташкилотлари ҳамда миллий мустақил рейтинг баҳолаш тизимига мувофиқ ҳолисона баҳолашни янада такомиллаштириш, халқаро банк назорати тамойиллари талаблари доирасида тижорат банклари капитали етарлилиги, ликвидлилик ва барқарорлиги бўйича талабларнинг бажарилишини таъминлаш, банк назорати бўйича Базель Қўмитаси

тавсияларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, банкларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳамда уларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш вазифалари қўйилган.

Республика банк тизими кенгайиб ва ривожланиб бораётган бир даврда банк назоратига талаб ортиб боради. Бундан ташқари, тижорат банклари фаолиятини назорат қилишни ҳалқаро стандартлар асосида ташкил этиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича назарий ва амалий тажрибаларни тадқиқ қилишни тақозо этади.

Банк назорати – банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланади.

Банк фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Банк назоратини ташкил этиш миллий қонунчиликка ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларига асосланади. Банк назоратини ҳуқуқий асосланган бўлиши лозим

1-жадвал

Дунё мамлакатларида банк фаолияти бўйича қонунларнинг қабул қилиниши¹


Давлатлар	Банк фаолияти бўйича қонунининг амалга киритилган йили
-----------	--

¹ Nergiz Dincer, Bilin Neyapti “Legal quality of bank regulation and supervision and its determinants: a mixed sample” Bilkent University, 2005

Ривожланган давлатлар	
Германия	1993
Португалия	1992
Люксембург	1993
Дания	1996
Финляндия	1997
Нидерландия	1992
Буюк Британия (2)	1987
Белгия	1993
Франция	1984
Греция	1993
Исрания	1988
Буюк Британия(1)	1979
Швейцария	1934
Ривожланаётган давлатлар	
Туркия	1993
Гонконг	1992
Туркия	1993
Кения	1996
Миср	1997

Сингарур	1992
Ливия	1987
Филиппин	1993
Малайзия	1984
Покистон	1993
Шри Ланка	1988
Аргентина	1979
Корея	1934
Жанубий Африка	1999
Қувайт	1997
Бразилия (2)	1985
Тунис	1995
Бразилия (1)	1957
Индонезия (1)	1994
Индонезия (2)	1963

Банк назорати ички, яъни банкнинг ўзи ташкил қилган назорат хизмати томонидан ва ташқи, яъни Марказий банк томонидан амалга ошириладиган назоратдан иборатдир.



Ҳозирги кунда банк назорати тизимини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1-расм. Банк назорати турлари²

Базель қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиришади.

Базель стандарти тамойилларида рискни камайтириш мақсадида банкнинг амалга оширадиган амалиётлар тавсифи ва масшабидан келиб чиққан ҳолда ички назорат тизимини ташкил этиш зарурати ҳам кўриб чиқилган.

Бугунги кунда банк ички назоратини амалга оширишда хорижий амалиётда

² Norqobilov S., Dadaboeva H., JO'raev O'. Xalqaro amaliyotda bank nazorati. Magistlar uchun darslik. T. : "IQTISOD-MOLIYA" -2007 yil 37 b

СОСО тизими кенг қўлланилмоқда.

СОСО тизими ички назорат тизимини такомиллаштириш методологияларининг асосини ташкил этади. СОСО компаниянинг ички назорат ва рискларни бошқаришга ёндашувини тизимлаштириш (баҳолаш мезонлари ва талабларини белгилаш) бўйича бугунги кунгача бўлган биринчи ва энг муваффақиятли тизимдир.

СОСО стандарти Қўшма Штатларда пайдо бўлган бўлиб ҳозирда бутун дунё бўйлаб ўзларининг ички назорат тизимларини такомиллаштиришга интилаётган компаниялар томонидан қўлланилади. СОСО стандарти кенг қамровли модель сифатида тан олинган. Компанияларнинг аксарияти ўзларининг ички назорат тизимларини ушбу моделга мувофиқ баҳолайдилар ва қурадилар.

СОСО стандартдан фойдаланулганга қадар, компанияларнинг ички назорати асосан молиявий ҳисобот масалаларига қаратилган эди. СОСО моделини ишлаб чиқишда ушбу мақсадларга самарадорлик ва қонунчиликка риоя қилиш мақсадларини қўшиш орқали кенгайтиришга қарор қилинди.

СОСО стандартида ички назорат компаниянинг бошқарув органи ёки бошқа ходимлар томонидан қуйидаги мақсадлар учун амалга ошириладиган жараён ҳисобланади:

1. Операцияларнинг самарадорлигини таъминлаш;
2. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш;
3. Қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш;

Муҳокама

Ўзбекистон банк тизимида Базель ва СОСО стандартлари банк назоратида қўлланилиши банкларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Банк ички назорати банк ўз ходимлари ёки бўлимлари томонидан амалга оширилади. Унда банк фаолиятини ўрганиш, таҳлил, аудит ўтказиш, банк рискларини аниқлаш ва уларни камайтириш ҳамда банк фаолияти самарадорлигини ошириш чора тадбирлари амалга оширилади.

Банк ички назорати ҳуқуқий асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам Марказий банк тижорат банкларини ички назоратига талаблар ўрнатади.

Республика банкларида ички назоратнинг мавжудлиги бўйича умумий талаблар “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларида белгиланган. Қонуний базанинг мавжудлиги, амалдаги банк амалиётлари бўйича риск устидан назоратни амалга ошириш фаолияти, ички назорат тизимини яратилишига ҳисса қўшди. Лекин тижорат банклари ички назоратни шакллантириш бўйича аниқ йўналишга эга бўлмадилар, мавжуд ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар меъёрий мустаҳкамланмаган эди. Буларнинг барчаси Марказий банк томонидан тижорат банкларида ички назоратни ташкил этиш талабларини қабул қилинишига сабаб бўлди. Талабларда ички назоратнинг Базел қўмитаси тавсияларига тўлиқ мос келувчи асосий функциялари белгилаб берилди.

Банк ички назорати – бу банк (унинг бошқарув органлари, бўлинмалари ва ходимлари) томонидан амалга ошириладиган ва молиявий-иқтисодий фаолият, активлар ва пасивларни бошқариш, рискларни банк акциядорлари ва мижозлари манфаатларига таҳдид солмайдиган даражада ушлаб туриш учун рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолият.

Ўзбекистон банк тизимида банк ички назорати тизимини ташкил этишнинг бош мақсади банк акциядорлари, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Банк ички назорати қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

а) активларнинг бутлигини сақлаш, банк ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

б) амалдаги қонунчилик ва банк ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

в) банкнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва бизнес режаларини бажариш;

г) бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар, бошқарув фаолиятига оид ҳужжатлар тўлиқлиги ва тўғрилиги;

д) банк фаолиятида рискнинг пайдо бўлиши даврида уни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

е) банк фаолиятида рискни режалаштириш ва бошқариш, жумладан, рискни бошқариш бўйича тўғри қарорларни ўз вақтида қабул қилиш.

Банк Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган ваколатларга кўра ички назоратни қуйидагилар амалга оширади:

а) Банк Кенгаши;

б) Банк Бошқаруви;

в) Тафтиш комиссияси;

г) Ички аудит бошқармаси;

д) Ички назорат бошқармаси;

е) Банк филиаллари бошлиқлари (бошқарувчилари) ва бош бухгалтерлар (уларнинг ўринбосарлари);

ё) Бўлинмалар ва муайян ички ҳужжатларда белгиланган ваколатлар асосида ички назоратни амалга оширадиган банк ходимлари.

Ички назоратни самарали тизимини назорат органларининг талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш жараёнида банклар уни ташкил қилишда аниқ мақсад ва тамойиллар асосида келиб чиқиши лозим. Ички назорат тизимини ташкил этишнинг асосий мақсади банк раҳбариятини ишончли ахборотлар билан таъминлаш, актив ва ҳужжатларни сақлаш, банкнинг турли фаолият жабҳаларини самарадорлиги, банкда

амалдаги ҳисоб тизимининг ҳисоб тамойилларига мувофиқлигидан иборатдир.

Ички назорат тизимини аниқ фаолият кўрсатишини кучайтириш мақсадида ҳамда банкнинг молиявий барқарорлиги ва обрўсига ҳавф солувчи муаммоларни аниқлаш Базел кўмитасининг 14-тамойили талабларига мувофиқ банк ички раҳбарияти, шунингдек, раҳбариятдан мустақил бўлган махсус бўлинма орқали ахборотлар тизимига ега бўлиши лозим.

Натижалар

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, назорат сифатини таъминлашда банк назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, тижорат банкнинг объектив рейтингини аниқлаш, банкнинг молиявий аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берадиган банкнинг мустақил аудити ўрни анча аҳамиятга ега.

Ушбу йўналишда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолайдиган мустақил аудиторлик компаниялар, керакли чора-тадбирлар кўриш учун муаммоли банкларни илк босқичида аниқлаш бўйича банк назоратини такомиллаштириш, банкларни рейтингини доимий чоп этиш ва ягона баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш бўйича мустақил агентлик яратиш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши давом этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). – Т., 2019 йил 11 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 йил 12 февраль.
3. “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида” 3302-/07.05.2021y. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги ПҚ-4611-сон ”Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига о‘тиш бо‘йича қо‘шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

5. Ядгарова М.Л., Қурбонов Р.Б. (2019) “Банк аудити” Дарслик/ — Т.: «Иқтисод-Молия», , - 320 б.
6. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти